

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ” КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

МАВЗУ: ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШДА ОИЛАДАГИ ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Бажарди: Д.Ғофурова
Раҳбар: п.ф.н., Р.И.Орипова

ТОШКЕНТ 2012

Режа:

Кириш:

1. Оилада ота-она ва фарзандларнинг бурчлари
2. Оилада тарбия ва мулоқот методлари
3. Ижтимоий фаолликни оширишда шахсий фаолият ва фаоллик

Хулоса

Кириш:

Ҳар бир оила ижтимоий структура сифатида жамият олдида маълум бир функцияларни бажаради. Оиланинг ижтимоий функциялари ҳақида гапирганда, бир томондан жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан эса умумий, ижтимоий тизимда оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал қиладиган ижтимоий функциялари ҳисобга олиш лозим.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳозирги замон оиласининг асосий функциялари қаторига қуйидагилар киради:

1. Иқтисодий функция – оиланинг иқтисодий функцияси унинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Оила ўзининг шу функцияси туфайли жамиятга катта иқтисодий фойда келтиради. Масалан: бола тарбияси – болани иқтисодий таъминлаш борасидаёқ унинг жамиятга келтирган фойдаси катта миқдорни ташкил этади (битта “Нексия” машинасининг пули кетар экан).
2. Оиланинг репродуктив функцияси – оиланинг муҳим функцияларидан бири бўлиб, жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш функциясидир. Бу функцияни асосий моҳияти инсон турини давом эттиришдан иборатдир. Оила фақат янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, уларни илмий, маданий ютуқлар билан таништириш, саломатлигини сақлаб туришдан иборатдир.
3. Оиланинг тарбиявий функцияси ҳам энг муҳим функциялардан биридир. Болаларни ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига оилада асос солинади.
4. Оиланинг коммуникатив функцияси оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.
5. Оиланинг рекреатив функцияси - ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирини саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзолари дам олишларини ташкил этиш функциясидир. Оилада бўш вақтни тўғри ташкил этишдир. Ҳозирги вақтда оилани рекреатив функциясини давлат ва ижтимоий ташкилотлар ўз зиммасига олмоқда.

Одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қарияларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, қариялар уйларнинг очилиши ва бошқалар.

6. Оила филицитологик функцияси – италянча “филиците” – “бахт” шахсий бахтга эришишга интилиш, оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи бўлиб бормоқда. Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши, уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди.
7. Оиланинг регулятив функцияси – оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизими, ижтимоий назоратни оила устунлик ва обрўни амалга оширишни ўз ичига олади. Ўтган замонларда оилани бошқариш функцияси маълум даражада расмий тарзда белгилаб қўйилган эди – асосан эркак. Ҳозирги замон оилаларида эса оиланинг бошқарув функцияси асосан ахлоқий меъёрлар оила аъзоларининг шахсий обрўси ҳамда ота-оналарнинг болаларга нисбатан бўлган муносабатларидаги обрўси кабилар ёрдамида амалга оширилади.
8. Оилаларнинг релаксация функцияси – оила аъзоларининг жинсий эмоционал фаолиятини руҳий, жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини яна қайта тиклаш демакдир. Юқоридаги барча функцияларнинг муваффақиятли бажарилиши нафақат унинг ички ҳолатига, шу билан бирга жамиятнинг ижтимоий соғломлигига ҳам таъсир этади. Шунингдек оила бахтини таъминловчи меъзон ҳисобланади.

Эр-хотинлар оилада ҳам бирга шахсий ва мулкӣ масалаларда ҳам тенг ҳуқуқлидир. Бу конституциявий қоида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган (46-модда). Бизнинг жамиятимизда аёл билан эркакнинг оилавий муносабатларида тенг ҳуқуқликка асосланади (оила кодекси 1-бўлим 2-модда). Оилада эр-хотин баб-баравар мажбуриятларга эга, улар бир-бирига маънавий ёрдам бериб, кўмакдош бўлиб яшайдилар. Ўзбекистон Республикасининг “Никоҳ ва оила” кодекси 25-моддасига мувофиқ,

эр-хотиннинг биргаликда никоҳда турган даври давомида орттирган мулклари уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ҳар бир инсонда оилавий иқтисод услуби холи никоҳдан ўтгунга қадар шакллана бошлайди. Оиланинг иқтисодий фаровонлиги оиланинг даромадлари маблағининг қанчалигига қараб эмас, уй-рузғор ҳўжалигининг ўз талабларини тартибга солиш малакасига ва ниҳоят оила қурган эр-хотинларнинг қандай меҳнат кўникмаларига боғлиқ бўлади. Оиланинг иқтисоди, бюджети, даромадни режали сарфлаш, кундалик ҳаражатга зарурий буюмларга пул ажратиши, рўзғор юритиш оқилона бошқара олиш, эр-хотиннинг катта тажриба малакага эга бўлишларига боғлиқ. Ҳўжалик ишлари уни ташкил этиш, бу борада оила раҳбарини аинқлаб олиш ҳам ниҳоятда зарур. Оилада эр-хотиндан қай бири тадбиркорроқ бўлса маблағга жавобгар бўлмоғи лозим.

Оилада иқтисодий етишмовчиликлар никоҳдан кейинги дастлабки 5 йил ичида кечкин намоён бўлади. Бу ҳақда ўзбек руҳшунос олимлари Н.К, Мамедов, Н.А. Соғинов, Э.Ш. Усмонов ҳам ўз илмий ишлаида қайд қилиб ўтганлар, чунки ёш эр-хотин рўзғор юритишни дуруст билмайдилар, маошларидан эҳтиёжлари ортиқроқ бўлади. Шу сабабли баъзи ёшлар ота-оналаридаги иқтисодий ёрдам кутадилар ёки меъёридан ортиқ ишламайдилар. Натижада оиладаги тинчлик бузилади, емай-ичмай жамғарма тўплайдилар, бу эса уларнинг соғлигига зарар етказди.

Баъзи аёллар ўз ҳолатини, моддий таъминотини таниш-билишликка таққослайдилар. Оқибатда оиладаги ҳаловат йўқолади, шундай ҳолларда эркак ўз қадрига етадиган аёлни учратиб қолса, оила барбод бўлади. Уй-рўзғор иқтисодини тежаш учун аввало ўз ойлик ҳаражатларини режалаштириши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эр-хотиннинг онгли муносабатлари, тушунчалари, кўникмалари, малакалари, етарли бўлмоғи лозим. Оила бюджет – жамғарма, кўпинча оиланинг ҳаётий услубига боғлиқ. Оила ҳаётнинг услубига, оила аъзоларининг қизиқишига қараб оила жамғармасининг тақсимои белгиланади. Эр-хотин ўз ҳаражатларини оқилона режалаштирсин. Агар улар олдиндан ўз оилаларида иқтисодни бошқаришдан элементар малака, тушунча

ҳосил қилмаган бўлсалар, бу мураккаб ишни ўрганиб олишлари осон эмаслиги аниқдир. Уйда ҳамкорликда бажарилган иш эса оилани мустаҳкамлайди. Оилавий турмушда иқтисодий муаммоларни, тажамкорлик асосида тартиб билан юритилса, оиланинг фаровонлиги ортиб боради. Ота оилада ҳаёт машаққатларини тартиб барча оиладаги ҳурсандчиликларга ўзининг букилмас ва эгилмас бардоши, меҳнати орқали эришган шахс сифатида гавдаланади. Оталар тупроқ қориб бино қурадилар, металл кесиб машиналар яратадилар. Оилада отанинг раҳбарлик ва йўлбошчилик роли тўғрисида улуғ инсонлар, буюк сиймолар ҳикматли сўзлар айтишган. Жумладан, Алишер Навоий фарзандларини ўз ота-оналарини қадрлашга даъват этиб: “Бирисин ой англа бирисин қуёш”, дея мадҳ этар экан, отани қуёшга ўхшатади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В қолдирган ҳадислардан бирида: Отангнинг дўсти билан дўстлик алоқасини давом эттиришинг отангга қилган яхшилигинг ҳисобланади”, дейилади. Халқ орасида “бир ота ўнта ўғилни боқишга қурби етади, бироқ ўнта ўғил битта отани боқа олмайди” деган нақл чуқур маъно бор. Ота – оила бошлиғи посбонидир. Зеро, оиланинг ҳар бир сўз илғамас юмушларидаги муаммоларининг миридан сиригача аралашиб, унга фақат тўғри йўл кўрсатиб туришдек инсоний маъсулият ота етказида туради.

Буни моҳият жиҳатдан тушунган эркак ўз маъносида ота ҳисобланади. Шу ўринда отанинг оиладаги обрўси масаласи атрофида фикр юритиш жоиздир. Ота обрўсини дастлаб оилада мустаҳкамлайди. Хотини бола-чақаси орасида обрў топган ота жамоат орасида ҳам шубҳасиз эътибор топади, обрў орттиради.

1. Оилада ота-она ва фарзандларнинг бурчлари

Атоқли чех педагоги Ян Амос Коменский “Оила – аҳмоқ масканидир” деб қайд қилар экан онанинг фарзандга берадиган меҳри унинг қалбида бутун инсониятга бўлган меҳр-муҳаббатни пайдо қилади, деб айтган эди. Ҳа, оналар – буюк зот фарзандни ёруғ дунёга келтириб, кечаларни бедор ўтказган, бир парча этлигидан оқ ювиб, оқ тараган, қорини тўйғазган, касалланиб қолса, жон ҳовучлаб атрофида парвона бўлган, ақл – шуур, фаҳм - фаросат, яхши тарбия бериб баркамол инсонлар қаторига қўшгани учун ҳам она улуғ зотдир.

Никоҳдан ўтиб оила қурилгандан кейин у бир неча босқичларни босиб ўтади. Шулардан энг кўп кузатиладигани, психологик жиҳатдан катта аҳамият касб этадигани ёш оила босқичига тўғри келади. Бу босқичда эр-хотинларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланади, фарзандлар дунёга келади., уларни тарбиялаш, вояга етказиш билан боғлиқ бўлган асосий ишлар амалга оширилади. Оиланинг мустаҳкам бўлиши, эр-хотиннинг бахтиёр ҳаёт кечиришлари ва тинч-тотув яшашларида уларнинг ўзаро қовушиши муҳим роль ўйнайди.

Эр-хотинларнинг бир-бирларига кўникиб кетишларини қуйидаги таркибий қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Руҳий кўникиш (психологик, психосоциал мослашув) – характер, шахснинг индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжлари, қизиқиш – ҳаваслари, дунёқарашлари ва бошқалар.
2. Қариндошлик туфайли кўникиш, яъни келин-куёвнинг қайнона, қайнисингиллар, қайнилар ва янги оиланинг бошқа яқин кишилари билан бўлган муносабати, улар билан чиқишиб кетиш даражаси.
3. Уй-рўзғор кўникмаси – ҳар бир оилада бўлганидек, уй ишларини бажаришга кўникиши, уддалаш малакаларини шакллантириш.
4. Эр-хотин бир-бирларининг индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжлари, имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бир-бирларига жинсий мослашишлари.

Янги келин-куёвларнинг кўпчилиги бир-бирларига мос бўлмасаларда, аммо уларнинг оилавий ҳаётдан қониқиш кўп жиҳатдан мослашиш характериға боғлиқ.

Маълумки, инсон турмушини эмас, ҳатто қуш уясини бузиш ҳам увол эканлигини бизға ота-боболаримиз меърос қилиб қолдирган. Ана шу муқаддас қадриятға содиқ қолган ҳолда турмушға жиддий муносабатда бўлинса, у тақдирда метиндай мустаҳкам оилалар қарор топаверади.

Куйида биз буюк татар олими Ризоуддин бин Фахруддин (XIX асрнинг II ярми XX асрнинг бошларида яшаган) ижодининг сарчашмаларидан бири – “Оила” асарларидан айрим намуналар келтирамиз.

“Эр ила хотуннинг қонуний суратда бирға бир вужуд бўлишларидан оила ташкил бўлур. Эр ўзи учун бир хотун танлаб дунёда бўлан тириклигида, шодлигу қайғусида, ҳар бир яхши ёмон кунида суянчиқ бўладиган, жонига роҳат бахш этадиган бир сирдош топур. Тарбияли хотун ота-онасини, эр ҳамда боласини, бутун оила хулқини, оилаға муносабатли бўлган дўсту қўшниларини, ходиму ходималарини тарбия-ю, ҳусни хулқи билан мамнун қилур. Аммо тарбиясиз хотун бунинг аксини қилиб, ота-онасини, эру, боласини эл масхарасиға қолдирур. Ўзи ҳам бахтсиз ўлароқ яшар, болаларини тарбиясиз қолдириб, умрларини барбод қилур.”

“Эр ва хотиннинг бир-бирларига бўлган меҳру вафоси бизға ота-боболаримиздан қолган бебаҳо меъросдир.”

Калтабин киши ўзидаги афзалликни умр йўлдошининг устидан ҳукмронлик қуроли қилиб фойдаланишға уринади. Эр-хотин орасидаги олийжаноб муносабатларнинг қуроли ҳисобланади. Оилавий ҳаётда ёлғиз сенинг манфаатинг эмас, балки оила аъзолари манфаатлари асосий масалалардан ҳисобланади. Бундай тадбир оилани тўғри йўлга бошлайди.

Оиладаги соғлом муҳит асосидаги одавийлик инсонпарварлик муносабатлари фарзанднинг руҳий дунёсига ижобий таъсир этади.

Оиладаги руҳий иқлим, тотувлик ҳамиша барқарор бўлиши учун қариялар, ота-оналар ўз фарзандларининг руҳий дунёсини билишлари ва

уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб иш тутишлари мақсадга мувофиқдир. Фарзандлар ҳар қачонги вақтда ҳам оилада ўзидан катталарга ҳурмат билан қараши керак. Оилада болалар онгига сингдириладиган ахлоқий қоидалар, урф-одатлар, анъаналар ва риоя қилиш йўл-йўриғи зерикарли, қуруқ насиҳатгўйликдан иборат бўлби қолмаслиги лозим. Аксинча, энг яхши омиллардан бири – аниқ ҳаётий омилларни таҳлил қилиш орқали тўғри тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилишдир. Оилиада меҳнат тақсимотини тўғри ва адолатли амалга ошириши, фарзандларда ҳар хил кўникма ва малакаларни таркиб топтириш меҳнатсеварлик хислатларини вужудга келтиради.

Меҳнат улушларини ўғил-қизларнинг ёшига, кучига, дидига, қобилияти ва қииқишига мос равишда тақсимлаш уларда кундалик эҳтиёж, зарурият ҳиссини тўғдириш билан бирга маъсулият деган одоб хислатларини ҳам барқарорлаштиради.

Турмушдаги самимий ва оқилона муносабатлар, илиқ руҳий иқлим таъсири натижасида оила аъзоларида камтарлик, кўнгилчанлик, илтифот, сабр, уятчанлик, тўғрилиқ, яхшилик, юмшоқлик, дилкашлиқ, меҳрибонлик, талабчанлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик, меҳнатгша маъсулит, озодалик, иззат-нафс, тежаб-тергашлик каби шахс ҳислатлари таркиб топади. Агарда оилалардаги турмуш муносабатлари кўполлик, андишасизлик, негизига қўрилган бўлса, у ҳолда оиола аъзолари руҳий дунёсида кеккайиш, писмиқлик, кўпчилик томонидан қабул қилинган хатти-ҳаракатлар қоидаларни сезмаслик, уларни менсимаслик иллатларини келтириб чиқаради.

Оила бюджети оиланинг маълум муддатда кутадиган даромадлари ва харажатларининг ҳисоб-китоби.

Оила бюджетининг даромади барча оила аъзоларининг иш ҳақи, турли мукофотлари, нафақа, стипендия, пенсия, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган фойда ва бошқалар йиғиндиси ҳисобланади.

Уй-жой, автомобил, замонавий техника, анъанавий тадбирлар кабиларга сарфланадиган маблағ КАТТА ХАРАЖАТЛАР ҳисобланади.

Турли уй-рўзғор анжомлари (болға, теша, супурги, чангютгич, қозон, идиш-товоқ ва бошқалар), рўзғорга оид, зарур кичик жихозлар, майда-чуйдаларга сарфланадиган маблағ КИЧИК ХАРАЖАТЛАР деб аталади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари учун, оилага қўшимча даромад келтирувчи хўжаликка йўналтирилган сарфлар ҳамда кундалик эҳтиёж учун ажратиладиган маблағлар ДОИМИЙ ХАРАЖАТЛАР саналади.

Уй-ховли солиқлари, радио, телефон, газ, сув, электр кабиларга тўловлар, мавсумий кийим-кечаклар, ўқув қуроллари ва бошқаларга сарфланадиган маблағлар ТАКРОРЛАНУВЧИ ХАРАЖАТЛАР деб юритилади.

Оила бюджетини тўлиқ ва тўғри тушунишдан иқтисоднинг туб маъносини англаш, шунингдек «ИҚТИСОД» қасрининг сеҳрли калитини топиш бошланади. Гап шундаки, оила ва унинг аъзолари эҳтиёжи чегараланмаган. Масалан: ҳамма оила хашаматли уй-жой, замонавий автотранспорт, техникавий жихозларга, энг яхши кийим-кечак, сифатли озиқ-овқат, кўркем дала ховли кабиларга эга бўлишни истайди. Аммао, оила бюджети доим чегараланган. Демак, чегараланган имкониятдан самарали фойдаланган ҳолда чегараланмаган эҳтиёжни қондириш муаммоларини ечиш ИҚТИСОДИЁТни келтириб чиқаради.

Оила бюджетни сарфлаш йўналишлари турининг аҳамиятига қараб ўзгаради. Масалан, оила аъзоларини автомобил олишга бўлган эҳтиёжи биринчи ўринга қўйилса, қолган йўналишлардаги сарф-харажатлар автомобил сотиб олиш мақсадига эришгунга қадар камайтиради.

Шунингдек, юқоридаги йўналишларда кўрсатилган катта харажатларга бўлган эҳтиёж мақсадга айланса, қолган йўналишларга сарфланадиган маблағ ўз-ўзидан камаяди.

Пул ва молни керакли, зарур нарсаларга сарфлагандан кейин қолган пулдан бир қисмини келгуси кунлар учун сақлаш лозим. Шундай қилинса, доимо иқтисод қилиб борилса, катта сармоя ҳосил бўлади.

Иқтисод қилишга, тежашга одатланган одамлар саодат ва тинчлик билан умр кечирадилар. Тўғри, яхши ейиш, ичиш, кийиш керак, аммо «кўрпангга қараб оёқ узат» нақлига амал қилинса, бошқаларнинг нарсаларига таъма қилинмайди, кўнгил ҳам хотиржам бўлади. Ҳўлида бўлган пулга, мулкка қаноат қилмаган одамнинг нафси бутун дунё молига ҳам қаноат қилмайди.

Исроф - ўринсиз, фойдасиз ишларга пул ва мол сарфлашдир. Ҳўлдаги пул ва молни керакли жойларга сарфлаш, яхши идора қила олиш, исрофгарчиликдан сақланиш лозим. Шухрат қозониш учун тўй ва зиёфатлар қилиб, пул сарфлаш нодонликдир. Исроф натижасида йўқчилик, кейин ҳар кимнинг мол, давлатига таъма ва ҳасад қилиш келиб чиқади.

Ҳар қандай оила маълум бир даромад ҳисобига яшайди. Давлатимиз оилаларнинг иқтисодий қувватини оширишга яқиндан ёрдам бериш мақсадида йилдан-йилга меҳнаткашларнинг ойлик иш ҳақларини оширяпти, пенсионер, студент, ёлғиз она ҳам давлат эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Давлатимиз оилага маънавий, иқтисодий жихатдан ёрдам берар экан, оилада келажак яратувчисининг характери, меҳнатга муносабати, ахлоқи, ғоявий-маданий савияси ўсишини кўзда тутади, оилаларнинг кундалик рўзғор учун зарур нарсалар, уй-жой билан таъминлашни, аёлнинг меҳнатини енгиллатишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу эса мустақил давлат оиласининг мустаҳкамланишида, бюджети ва ҳўжалиги ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Ёш оилалар фақат бир-бирларини тушунмаслиги туфайлигина эмас, балки иқтисодий шароитни йўлга қўя олмай ҳам ажраладиган ҳоллар учрайди.

Шундай оилалар борки, қийинчилик билан топилган пулни, осонгина совурадилар, улар оиланинг иқтисодий масалалари билан юзаки шуғулланадилар. Аммо бу борада ўнлаб кўрадиган кўп муаммолар бор. Оила

аъзолари ойига қанча иш ҳақи олиши аниқ, лекин бу пулни қайси мақсадларга қандай сарфлаётганлари ҳақида аниқ ҳисоб-китоб йўқ.

Оила бюджети – оила аъзоларининг ойлик иш ҳақи ҳисобидан тўпланиб, даромад ва харажатлар йиғиндисидир. Хўш, табиий ва маиший эҳтиёжга сарфланганидан қолган маблағни нимага сарфлаш керак? Туристик саёҳат учунми? Китоб сотиб олишгами? Жимматбаҳо кийимлар учунми? Машина харид қилишгами? Буни оила аъзолари ҳал қилиши керак?

Оилада болаларни ёшлигиданоқ оиланинг иқтисодий масалаларини ҳал қилишга жалб этиш биринчидан боланинг ота-она олдидаги қадрини оширади, боланинг ўзига ишончини кучайтиради, иккинчидан, пул сарфлаш маданиятига, ҳисоб-китобга, тежамкорликка ўргатади. Оила хўжалигининг иқтисодий масалалари, ҳамма оила аъзолари иштирокида ўтадиган оилаларда пул-мблағ сабабли жанжаллар рўй бермайди, балки, оила аъзоларини оила коллективига янада жипслаштиради.

Доимий равишда пул етмай қолиши, кўпгина оилаларда уриш-жанжалга сабаб бўлади. Улар пулни расамади билан харажат қилишни билмайдилар. Пулни ҳисоб-китоб билан харажат қилиш ҳақида ўқувчиларга бир топашмоқ айтиш мумкин:

Ота ўғлига чақа пул бериб:

- ўзимизга, сизимизга, товуқларимизга егулик бирор нарса харид қил, - деди.

ўғли бозорга борди, ўйлаб-ўйлаб бир нарса харид қилиб келди. Бундан ота хурсанд бўлди. ўғил нима сотиб олган эди?

- қовун.

ўқитувчи жавобни изохлаб, давом қилади.

Оила бюджетини, хўжалигини тўғри бошқариш учун йил бошида эр-хотин бир йил давомида қилинадиган харажатларни ҳисоблаб чиқади. Бу умумий даромадга нисбатан олинади.

Йиллик умумий даромаддан суғуртага, оиланинг катта аъзолари сарф қиладиган баъзи ҳаражатларни чиқариб ташлаймиз. Ҳаражатни режалаштиришни кунда бўладиган жаражатларнинг аниқ миқдорини белгилашдан бошлаш керак, шунда ундан ортиган даромад узоқ муддат сақланадиган буюмлар сотиб олишга сарфланади.

Кундалик ҳаражатлар оиланинг умумий даромадига ҳамда яшаш усулига қараб белгиланади. Бунда уй-рўзғор ишларини бошқарадиган аёлга ҳам кўп нарса боғлиқ, шундай аёллар борки, ҳеч қачон овқати айнимайди, нонни исроф қилмайди, ҳаммаёқ саранжом- саришта, ҳеч шошиб қолмайди, рўзғорида доим ҳамма нарса етарли бўлади. Бошқа бир аёл бунинг мутлақо тескараси. Бу эса аёлни қизлигида уйида олган тарбиясига ҳам боғлиқ.

Баъзи оилалар кайф-сафони, тўкин-сочин дастурхон атрофида меҳмон кутишни, совға-салом билан меҳмонга боришни, бошқалари саёҳатни, яна баъзилари кутубхоналари учун китоб йиғишни севадилар. Ҳаражат ҳам шунга қараб бўлади.

Айрим болалар ота-оналарининг ойлик даромадлари қанча эканлигини билмагани учун баъзи қимматбаҳо нарса олиб беришни талаб қилиб туриб олади. Ойлик даромадни билганида у бундай қилмасди. Шунинг учун Макаренко болани оила ҳўжалигини юритиш ишларидан хабардор қилиб туриш кераклигини уқтирган эди.

Агар оила яхши таъминланган бўлса, бу ҳақда боланинг ўртоқларига мақтанишига йўл қўймаслик керак. Оила ўз эҳтиёжларини қийинчилик билан (маълум бир сабабларга кўра) қоплаётган бўлса, шундай қилиш керакки, бола бошқаларга ҳасад билан қарамасин. Бола меҳнатсиз келадиган даромаддан кўра, қийинчилик билан, меҳнат билан оила ҳаёти яхшиланишидан фахрлансин.

Агар оилада пул маблағлари тўғри сарфланса, бу оиладаги бола босиқ, тежамкор, пулнинг қадрини биладиган бўлиб улғаяди.

Шунақа оилалар борки, ойлик олиши билан болаларга ширинликлар, ўйинчоқлар совға қилишади-ю, кейин танг ҳолга тушиб қолишади. Бундай

оилалардаги болалар пул ва буюмларнинг қадрига етмайди, борган сари катта талаблар қўя бошлайди. Ота-она қийинчилик билан бўлса-да боланинг хархашасидан қутулиш учун айтган нарсасини олиб беради. Бундан болада боқимандалик кайфияти, исрофгарчилик одати, худбинлик пайдо бўлади. У хақиқий юрт фарзанди, меҳнаткаши бўла олмайди.

Бундан болага умуман совға бермаслик керак, деган маъно чиқмайди, совға болага катта хурсандчилик бахш этади ва у совға кутади! Пухта ўйлаб қилинган совғанинг тарбиявий ахамияти катта бўлади.

Боланинг оила хўжалиги ишларида қатнашиши ўзининг ортиқча талабларини тийишга, исрофгарчиликка қарши курашга ўргатади. Бола 8-9 ёшга етганда харажатларни ҳисобга олган ҳолда олдиндан пул бериб туриш мумкин. Бола бунга ўргангандан кейин уни мунтазам таъминлаб туриш зарур. Боланинг меҳнати ёки ўқиши учун ҳеч қачон пул билан рағбатлантирмаслик керак.

Оилада болаларнинг қуйидаги ҳуқуқлари мавжуд:

- оилада яшаш
- тарбияланиш
- ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш
- ўз ҳуқуқи ва қонуниятларини ҳимоя қилиш
- ўз фикрини ифода этиш
- исм, ота исм ва фамилияни олиб ўзгартириш
- оилада умумий мулк бўлиш ва бошқалар

Ота-она мажбуриятлари:

- ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт
- ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир
- улар ўз болалари соғлиғи, жисмоний, рухий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт

-болаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш

-болаларининг манфатларини таъминлаш

-яқин қариндошлар билан алоқа қилишни таъминлаш

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади:

-ота-оналик мажбуриятидан бош тортса

-узурсиз сабаларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасаларидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса

-ота-оналик ҳуқуқина суистемол қилса

-болаларга нисбатан шафқатсиз бўлса, жумладан жисмоний ва рухий таъсир кўрсатса

-муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандлика мубтало бўлган бўлса

-ўз болаларининг соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса

2. Оилада тарбия ва мулоқот методлари

Мулоқот фақат инсонларга хос бўлган жараёндир. Кишиларда фаолият жараёнида бир - бирларига ниманидир айтиш истаги туғилади.

Мулоқот - одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади. Кишилар муносабатга киришишда аввало тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати - нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам айирбошлашдан иборат. Масалан, муносабатга киришар эканмиз, у бизни қониқтирса имо-ишора билан мулоқотда бўламиз. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёнида коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда) идрок этиш амалга оширилади.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш ҳар бир киши учун муҳимдир.

Ҳар бир кишининг ўз “Мени” атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади, Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қиламиз, лекин айрим ҳолларда эса биз қониқмасликни ҳис қиламиз.

Педагогик мулоқот - бу мулоқот турларидан бири бўлиб, педагогик

фаолиятда муҳим ўрин тутди.

Биз гуруҳ ва жамоага кирар эканмиз, доим унда турли ролларни бажаришга тўғри келади. Расмий гуруҳда бошлиқ ролини ўйнасак, касалхонада бемор, дўконда харидор, оилада рафиқ ёки рафиқа, ота - она олдида эса фарзандлик ролини бажарамиз.

Мулоқот шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, бир-бирларини тушунадилар.

Шунинг учун мулоқот ижтимоий психологик ҳодиса сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида иштироқ этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вужудга келади. Инсонда юзага келадиган ҳар хил эҳтиёжларни мақсадга мувофиқ равишда қондириш мулоқот маромига боғлиқ бўлиб, шахслараро муносабат, баркамол авлод, комил инсон ғояларини англатади. Мулоқот муваффақиятининг негизи шахснинг руҳий дунёси, эҳтиёжлари мотивацияси, ҳарактер ҳислати, индивидуал-типологик хусусияти, қобилияти, эътиқоди каби инсоннинг фазилатлари, сифатлари намоён бўлиши, ривожланиши ҳисобланади. Мулоқот жараёнида мулоқотдошларнинг тасаввурлари, қизиқишлари, ҳис-туйғулари, кўникмалари, воқелик натижасини олдиндан сезиш, пайқаш, таъсир ўтказиш услуби таркиб топиши мумкин.

Мулоқот ташқи таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини руёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари етаклайди.

Баркамол инсонларнинг муомала мароми, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришиш ўқувчанлиги, вазиятдан чиқиш салоҳияти ҳам, бошқа одамлар томонидан тақлид қилинади ва ҳаёт тажрибасида унга риоя этиб яшайди. Одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида ғайритабиий ижтимоий ҳолат ёки ҳодисага онгли таяниш - ўзини - ўзи мукаммаллаштириш, ўзини - ўзи руёбга чиқариш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини - ўзи баҳолаш, ўзига -

ўзи буйруқ бериш шахснинг руҳий дунёсида муҳим камолот босқичидир. Шунинг учун ички ва ташқи тақлиднинг тушуниш ҳамда уларни босқичма-босқич эгаллаб бориш - бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ҳамда баркамол шахс сифатида шаклланишининг гаровидир.

Мулоқотга кириша олмасликнинг асосий сабаби - бу ўзини - ўзи ортиқча ёки паст баҳолаш туфайли ўзига ва уни қуршаб турган одамларга нотўғри муносабатдир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан қуйидагиларга аҳамият бериш ижобий самаралар сари етаклайди:

1) ҳамқорлик фаолиятида, мулоқотлар тизими орқали мулоқот жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал муҳитни таққослаш имкониятини юзага келтириш.

2) мулоқотда ички муносабатлар тизимида ҳар бир аъзонинг қулай позициясини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.

3) инсоннинг мулоқот хусусиятлари, мароми, усуллари, шакллари тўғрисидаги ахборотни эгаллашга оид махсус машғулотларни уюштириш.

4) шахслараро муносабатлар ва мулоқот усулларига мўлжалланган ишбилармонлик ўйинлари, психодрама, тренинг тизимини яратиш.

Л. С. Виготский, А. Н. Леонтьев, А.Р. Лурия, Д.Б.Эльконин, А. В. Запорожец, М. И.Лисина тадқиқотларида кўрсатилишича, боланинг дастлабки ижтимоий эҳтиёжларидан бири - бу мулоқотга нисбатан эҳтиёждир. А.В.Запорожец ва М. И. Лисиналар тадқиқотларида таъкидланишича, болаларнинг катталар билан мулоқотга киришиш эҳтиёжи 7 ёшгача бир нечта босқичлар тарзида ривожланиб боради:

- 1) эътибор ва ҳайрихоҳликка эҳтиёж пайдо бўлади;
- 2) катталар билан ҳамқорлик қилиш эҳтиёжи туғилади;
- 3) аввалги барча эҳтиёжларга катталар томонидан ҳурмат қилиш эҳтиёжи туғилади;
- 4) мактабгача тарбия ёшидаги болада атрофдагилар билан ўзаро бир-бирини тушуниш эҳтиёжи вужудга келади.

Хуллас, инсон ўзини идора қилиш, турли вазиятларда ўзини тутиш

фазилатлари ўзлаштирилаётган даврда баъзи бир қоидаларга риоя қилса, ҳамқорлик фазилатида маълум ютуқларга эришади:

1. Ижтимоий ҳодисаларнинг ташқи воқе бўлиши нафақат ички рухий ҳолат ва унинг мазмунини акс эттирибгина қолмайди, балки икки томонлама алоқа туфайли мазкур жараён юзага келади.

2. Ихтиёрий, фаол диққатнинг ташқи объектларга йўналтирилганлиги ва тўпланганлиги турли омиллар таъсири туфайли самарадорлик даражасини пасайтиради, асабий ҳолат ишчанликни камайтириб мулоқот маромига путур етказди.

3. Инсон ўзини эркин, озод, бемалол ҳис этиш ҳислатини ўзлаштириш учун жисмоний кескинлик, асабий таранглик, ақлий зўриқиш орқали кўзланган мақсадига етиши мумкин (Э./озиев. Муомала психологияси. Т.2001 23-бет).

Юқоридаги қоидаларга барча талабалар риоя қилиб, гавдаларини тўғри тутиш, муаммоли вазиятларга ва мулоқот мақсадига, маромига мутаносиб тушадиган ҳодисалар, ҳолатлар, шароитлар, муайян муҳит, мазмунли ҳаракатлар, имо - ишоралар, мимика, пантомимика устида иштиёқ билан шуғуллансалар, енгил табассум, илиқ, мийиғида кулиш, чиройли юриш каби машқларни амалга оширсалар, новербал нутқ ёрдами билан шахслараро муносабатни тўғри йўлга қўйиш имкониятига эришадилар. Атрофдагиларда ёқимли таассурот қолдириш, уларда меҳр - муҳаббат туйғусини ўйғотиш мулоқотдош танлашга имкон туғдиради. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан эркинликка эришиш ўзига ишонч туйғусини юзага келтирса, мустақиллик мулоқотда тенг ҳуқуқли шерик бўлишга шарт-шароит яратади.

Болаларни ёшликдан аввало оилада, сўнгра таълим масканларида мулоқотга ўргатиб борилади. Мулоқотга ўргатишнинг усулларида бири машғулотлар тарзида шакллантиришдир. Болани боғча шароитида тарбиячи турли машғулотлар ўтказиб мулоқотга ўргатади. Аввал элементар ўзини тутиш, катталарга қандай гапириш, салом бериш, миннатдорчилик билдириш каби усулларни таркиб топширилади. Мактаб ёши даврида ва кейинчалик шахсга ижтимоий - психологик тренинглар ташкил қилиш орқали мулоқотга

ўргатилади. Шахснинг ўзи бу усулларга ижобий муносабат билдириши, фаол ҳаракат қилиши зарур. Чунки шахс мулоқотда бўлмасдан фаолият субъекти сифатида ҳам, индивидуал инсон сифатида ҳам тўлақонли ривожлана олмайди. Тажрибали психолог А. А. Бодалев фикрича, ҳатто ўйин фаолиятида бола мулоқотда бўлади. Таълим жараёнининг асосида мулоқотга ўргатиш масаласи биринчи ўринда туради. +олаверса меҳнат таълими жараёнида кишилар доимо мулоқотга эҳтиёж сезадилар. Мулоқотнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у инсонни дунёқарашини кенгайтиради ва психикасини ривожлантиради. Яъни барча руҳий жараёнлар мулоқот орқали шаклланади.

Шахснинг иродавий сифатларини ривожлантириш орқали ҳам уни мулоқотга ўргатиш осон бўй беради.

Жамоа муҳитини шакллантиришда иккинчи томон ҳам бор - бу жамоа аъзоларининг руҳий маданиятини шакллантиришдир. Шу мақсадда ўқувчиларга уларнинг инсоний мулоқот, инсон шахси, бир-бирини баҳолаш хусусиятлари («мен ва бошқалар», «мен бошқаларнинг кўзи билан») тўғрисидаги мулоҳазаларини рағбатлантирувчи ахборотни бериш зарур. Уни иншолар, суҳбатлар, тренинглар орқали уюштириш мумкин. Махсус машқлар орқали мулоқот усулларига ўргатиш шунга тааллуқлидир. Руҳий маданиятга ўргатишни ўсмирлик ёшидан бошлаш муҳим, чунки ўз шахси ҳақидаги ахборотга қатъий эҳтиёж худди шу даврда вужудга келади. Ўсмирликда ўзининг «Мен»и хусусида зиддиятли кечинмалар бошланади. Илк ёшлик пайтида - ўз руҳий ҳолати ҳақида ҳаёл суриш кучайган, мулоқот жуда аҳамиятли ва ғоят танлаб ўтказиладиган ёшда инсон шахси, шахслараро мулоқот тўғрисидаги ахборот зарурдир.

Н.П. Аникеева фикрича, бошқа одамлар билан мулоқотда ҳар бир шахс муайян ижтимоий ролни эгаллайди. Роллар шахсни тўлароқ очиб бериши, уни ниқоблаши мумкин. Лекин позиция - ролларни танлаш албатта инсоннинг ўз моҳиятига, унинг кучига, заифлигига, салоҳият даражасига, ўз-ўзини танқид қила олишига, ҳулқ - атворининг пухталигига, ўзининг четдан кўра билиш қобилиятига боғлиқ бўлади. (Жамоада руҳий муҳит. 146-147 бет)

Баъзан мулоқотдаги муваффақиятсизликлар ёшларни бенуқсонроқ, ҳимояланганроқ бўлиш учун ўзидаги энг яхши нарсаларни яширишга, бузишга мажбур этади. Эрта ўсмирлик пайтида йиғит ва қизлар яккалик ҳолатини бошдан кечиради. Улар ҳис-туйғуларини ҳеч кимга айтишмайди. Ўзи ҳақидаги ва атрофдаги кишилар ҳақидаги ахборот - мулоқот усуллари ва мазмунли мулоқотни ташкил этишга интилишни белгилаб беради. Бунинг учун руҳий тусдаги муайян маълумотларга эга бўлиш керак. Ҳар бир кишига хос бўлган руҳий хусусиятлар асаб тизими тури билан белгиланади ва аввало темпераментда: таъсир кўрсатиш суръатида, ҳам табиий сигналларда (овоз, ёруғлик, ранг, ҳид, ҳароратнинг ўзгариши), ҳам ижтимоий сигналларда (сўз, воқеа, ўта сезгирликда, эмоционал кўзгалувчанликда, ташвишлилик даражасида, экстраверсия, интроверсия) намоён бўлади. Экстраверсия билан интроверсия кишининг руҳий тавсифи сифатида мулоқот соҳасида ёрқин намоён бўлади. Экстраверсия - индивиднинг ташқи дунёга, интроверсия - ички дунёга қарашидир. Асаб фаолиятининг кучли типи билан боғлиқ экстраверсия хусусиятлари устун бўлган кишилар анча киришимли, алоқалар, танишишлар доирасига мойил бўладилар. Улар иштиёқ билан янги танишлар орттирадилар, шовқин - суронли давраларни ёқтирадилар. Интровертлар - бу асаб фаолиятининг заиф типига мансуб кишилардир. Улар ўз ички дунёларига берилишга, кечинмаларга мойиллар. Атрофдагилардан кўп ташвишланадилар, улар яқинларнинг тор доирасини маъқул кўрадилар. "Экстраверсия-интроверсия" ўқининг ўрталарида жойлашган кишилар психологияда центровертлар деган номни олган. Улар меъёрида киришимли, меъёрида ёлғизликка мойилдирлар.

Нутқ билан ишлаш орқали ҳам мулоқотга ўргатиш мумкин. Масалан, овозни баланд чиқариб шеър ўқиш, ҳикояни гапириш каби тренинглар ҳам мулоқотни шаклланишига ёрдам беради. Мактабгача ёшдаги болаларни эса ўйин фаолияти давомида мулоқотга ўргатиш осон кечади.

Мулоқотга ўргатишда ўйин ва ноўйин шакллари қўшиб олиб боришнинг аҳамияти катта:

1. Дарсга норасмий мулоқот элементларини киритиш. Айни пайтда дидактик ўйинлардан фойдаланиш, уларда мулоқот ташкилотчиси ролини муаллим эмас, ўқувчилардан бири бажариши.

2. Эътиборни жавобнинг ижобий жиҳатларига қаратиш. Ўқувчилар ўртоқларининг жавобларини холисона баҳолашга махсус ўргатилади, айни пайтда майда - чуйдаларгача эътиборни қаратиб, ўртоқларининг жавобларидаги энг муваффақиятли жиҳатларини ажратиб кўрсатишни ўрганиш. Камчиликларни қандай қилиб йўқотиш ҳақида баҳслашиш, яъни камчиликни битта ўқувчининг ўзига айтиш орқали таъсир қилиш.

3. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу ўқув қўлланма жамиятнинг янгиланиш даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради.

Яратиладиган янги қўлланмалар олдига талаба - ёшларни маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгига миллий ғоя асосларини сингдириш, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, ўтмиш ва буюк келажак ҳақида фикрлаш, у билан фахрланиш ҳиссини, янгича тафаккурни шаклланиши жараёнидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этиш талаб этилади.

Мулоқот услубларига қуйидагилар киради:

1. Ҳамкорликдаги ижодий фаолиятга қизиқиш асосидаги мулоқот.
2. Дўстона муносабатлар асосидаги мулоқот.
3. Масофадан туриб мулоқотга киришиш.
4. кўрқитиш(кўркув) асосидаги мулоқот.
5. Ёлғон обрў-эътибор қозониш учун ташкил қилинадиган мулоқот.

Биринчи услуб асосини педагогнинг юқори касб этикаси ташкил этади. Бу услуб ҳақида М.О.Кнебель, И.П.Волков, В.Ф. Шаталов кабилар ўз фикрларини билдирганлар. Уларнинг фикрича, болалар билан бўладиган муносабат ва педагогик ҳиссиётлар мана шу услуб асосида шаклланади.

Иккинчи услуб асосан дўстона муносабатлар, ўқув-тарбиявий фаолиятда шаклланади. Дўстона муносабатлар мулоқотнинг бошқарилишини

таъминлайди. Мароқлилик билан дўстона муносабат биргаликда ривожланади. Педагог бир томондан болалар учун яқин ўртоқ, иккинчи томондан биргаликдаги фаолият қатнашчиси бўлиши лозим.

Учинчи услуб, яъни масофадан туриб мулоқотга киришиш муҳим аҳамиятга эга. Педагог билан ўқувчи ўртасида маълум бир масофа бўлиши керак. Масофа жуда узоқ бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда расмийчилик кўчайиб, ижодийлик муҳити шаклланмайди. Педагог масофани сақласа обрў-эътибори ортади.

Тўртинчи услуб-кўрқитиш асосидаги мулоқот бўлиб, бу услуб мулоқотнинг негатив шаклидир. Баъзи педагоглар ўқувчиларни кўрқитиш орқали мулоқотда бўладилар. Чунки уларда педагогик маҳорат яхши шаклланмаган бўлади. Айниқса катта аудиторияда маъруза ўқийдиган маърузачилар аудиторияни шу услуб асосида бошқарадилар. Жуда қаттиқ туриб, тингловчиларни кўрқитиб педагогик мулоқотни муваффақиятли амалга ошираман деб ҳисобловчилар янглишади. Бу ўзаро тушунишга тўсқинлик қилади.

Бешинчи услуб-ёлғон обрў-эътибор қозониш учун ташкил қилинадиган мулоқот бўлиб, ёш ўқитувчилар малакаси етарли бўлмагани учун ёлғон ишлатадилар. Бу билан ўқитувчи ўқувчи билан тезроқ мулоқотда бўлиб олишга ҳаракат қилади. Бундай усулни қўллайдиган педагогда умумий педагогик ва коммуникатив маданият етишмайди. Демак, педагогларнинг фикрича, биринчи ва иккинчи услуб асосида мулоқотга киришиши яхши натижаларга олиб келади.

Оиладаги тарбиявий жараён ўзига хос хусусиятга эга. Уни охири ва боши йўқ. Биз болани туғилгандан бошлаб тарбиялаймиз. Бола ота-онасининг ҳатти-ҳаракатларини тақлид қилиш орқали ўрганади, ҳатто оғзидан нима чикса ўшани қайтаради. Демак, ота-она бола шахсини шаклланиши учун идеал тарбиячи бўлиши керак. Оиладаги тарбиявий жараён аввало бола билан ота-она ўртасидаги доимий мулоқотдир. Болани тарбияси яхши бўлиши учун уни севиш керак. Биз бола билан мулоқотга неча минўт вақт ажратамиз? Шунини

ўйлаб кўриш керак. 1 соат вақт ажратсак, бу яхши. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ота-она ва бола ўртасидаги мулоқот бир сўтқада 1,8 соатни ташкил қилар экан. Она 35 минўт мулоқотда бўлар экан: “қорнинг очми? Нима ейсан?” кабилар тарзида. Бола савол берса айрим ота-оналар жавоб бергиси келмайди. Она овқат тайёрлаш билан овора, ота газета ўқиш билан. Турли ёшдаги фарзандларда у ёки бу муаммо бўлишини биз катталар билишимиз, унга вақт ажрата олишимиз керак. Моддий ғамхўрлик болага, унинг тарбияси учун, мулоқоти шаклланиши учун етарли эмас. Болани калбига қулоқ сола билишимиз муҳим. Ота-она ўртасидаги низоларнинг келиб чиқишининг сабабларидан бири болага эътибор бермаслигидадир. Нима учун биз ҳамкасбларимиз билан, дўстларимиз билан қанча мулоқотда бўлсак ҳам қоникмаймиз, лекин фарзандимиз билан кам мулоқотда бўламиз?

Ота-онанинг эътибори оилада ҳиссиёт маданиятини тарбиялашга ёрдам беради. Шундай савол туғилади: Нима учун ўсмирлар жиноятчилик кўчасига кириб қолаяпти? Масалан, ўсмирлар кекса кишини ўлгудек калтаклашаяпти. Демак, биз катталар фарзандимизга эътиборлироқ бўла олмаяпмиз. Уларнинг кўнглига қулоқ солмаяпмиз. Уларда бошқалар ғамига ҳамдард бўлиш туйғусини шакллантира олмаяпмиз. Ёшлар билан мода ҳақида гаплашсангиз улар сиз билан кўнгилдан мулоқотда бўладилар. Шу тариқа уларнинг кўнглига қўл солиш мумкин.

Болалар билан ота-она ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкиллаштириш учун турли тўсиқлар ҳалақит беради. Жумладан, банд бўлиш “тўсиғи”, ота-оналар доимо банд бўлишади, болага эътибор беролмайдилар, чунки уларнинг уй юмушлари кўп. Бу болада ҳиссий ривожланишни тўхташига олиб келади. Иккинчи тўсиқ- ёшга боғлиқ “тўсиқ” бўлиб, бунда катталарнинг ёши улуг бўлгани учун болани тушунмайдилар. Боланинг ички дунёсини ҳисобга ололмайдилар. Катталар учун арзимайдиган нарсалар бола учун муҳим бўлиши мумкин. Эски қолип “тўсиғи”- ота-оналар ўзининг боласини ёши улғайиб бораётганини сезишмайди. Фарзанд улғайиб борган сари ота-онасининг у билан ҳисоблашишларини истади. Шунинг учун улар ўртасида

тушунмовчиликлар, низолар туғилади. Биз катталар фарзандларимиз бизни доимо тинглашларини хоҳлаймиз, бизга бўйсунилларини истаймиз. Уларнинг мустақил фикрларини эшитишга эринамиз. Демак, катталар болага нисбатан эски қарашларини йўқотишлари лозим. Шунда ўртадаги тўсиқ йўқолади.

Тарбиявий анъаналардаги “тўсиқ”-ота-оналар оиладаги илгариги тарбиявий таъсир усулларини қўллайдилар, болани руҳий ривожланиши даражасини ҳисобга олмайдилар. Улар ўзларининг малакаларини ошириш устида ишламайдилар. Натижада бола билан ўрталарида тўсиқ пайдо бўлади, бир-бирларини тушуна олмайдилар.

Дидактизм “баръери(тўсиқ)”-бунда ота-оналар болага доимо ақл ўргатадилар.”Ундай қилма,” “Бу тўғри, бу нотўғри” ва ҳ.к. Боланинг ҳар бир қадами ўлчанади, баҳоланади. Бу эса болада зўриқишни юзага келтиради, асабий бўлиб қолади. Демак, юқоридаги “тўсиқлар”ни йўқотиш учун ота-она фарзанди билан тўғри мулоқотда бўлиш йўллари излаб топиши керак. Шундагина бола билан тил топа олишлари мумкин бўлади.

3. Ижтимоий фаолликни оширишда шахсий фаолият ва фаоллик

Жонли мавжудотни муайян тарзда ва муайян йўналишда ҳаракат қилишга ундайдиган эҳтиёжлар унинг фаоллиги манбаи ҳисобланади. Эҳтиёж - жонли мавжудотнинг ҳаёт кечиришининг конкрет шарт-шароитларга нисбатан унинг фаоллигини вужудга келтирувчи ҳолатидир. Одам ва ҳайвон эҳтиёжлари турлича бўлгани ҳам у туфайли юзага келадиган ҳатти-ҳаракатлар ҳам бири-биридан фарқ қилади. Кишининг фаоллиги эҳтиёжларнинг қондирилиши жараёнида намоён бўлади. Ҳайвон табиат неъматларидан тайёр ҳолидагина фойдаланади, одам эса шу неъматларни ўзи тайёрлайди. Шунинг учун ҳам кишининг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёни ижтимоий тараққиёт билан белгиланадиган фаолият шаклини эгаллаш, фаол, муайян мақсадга йўналтирилган жараён сифатида ажралиб туради. Эҳтиёжлар қондирилиши жараёнида ривожланиб ва ўзгариб боради. Кишининг эҳтиёжи уни тарбиялаш жараёнида, яъни кишилик маданияти олами билан яқинлаштириш жараёнида шаклланади.

Кишининг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёнлари ижтимоий тараққиёт билан белгиланадиган фаолият шаклини эгаллашнинг фаол, муайян мақсадга йўналтирилган жараёни сифатида алоҳида ажралиб туради. Кишининг эҳтиёжлари ҳам ижтимоий, ҳам шахсий характерга эгадир. Бу, биринчидан, ҳатто шунчаки, тор маънодаги шахсий характерга эга бўлиб туюлганда ҳам ижтимоийдир. (масалан, нон - нон бўлиб дастурхонга келгунча ўнлаб одамлар меҳнати сарфланган, ижтимоий маҳсулдир). Иккинчидан киши ўз эҳтиёжларини қондириш учун мазкур ижтимоий муҳитда тарихан таркиб топган воситалар ва усуллардан фойдаланади. (Гўшти истеъмол қилиш учун қозон, пичоқ, вилка ва бошқалардан фойдаланилади). Учинчидан кишининг кўпгина эҳтиёжлари унинг тор маънодаги шахсий талаб-эҳтиёжларидан кўра кўпроқ киши ўзи мансуб бўлган ва биргаликда меҳнат қиладиган жамиятнинг, жамоанинг, гуруҳнинг эҳтиёжларини ифодалайди, жамоа эҳтиёжлари

кишининг шахсий эҳтиёжлари тусини олади. (Йиғилишда мавзу билан чиқиш учун тайёрланиш эҳтиёжи келиб чиқади).

Эҳтиёжлар келиб чиқишига ва предметига кўра фарқланади. Келиб чиқишига кўра эҳтиёжлар табиий ва маданий бўлади. Табиий эҳтиёжларда кишининг фаоллик касб этаётган фаолияти, унинг ҳаёти ва унинг авлоди ҳаётини сақлаш ва қўллаб қувватлаш учун зарур бўлган шарт-шароитларга бўйсунганлик ифодаланади. (Овқатланиш, ухлаш, қарама-қарши жинснинг мавжуд бўлишига эҳтиёж ва б.)

Маданий эҳтиёжларда одамнинг фаол фаолияти инсоният маданиятининг маҳсулига боғлиқ эканлиги ифодаланади, унинг илдизлари кишилик тарихининг сарҳадларига бориб тақалади, (Китоб, газета ўқиш, музика тинглаш эҳтиёжи ва бошқалар). Маънавий жиҳатдан ўринли бўлган эҳтиёж-одам яшаётган жамиятнинг талабларига жавоб берадиган, ана шу жамиятда қабул қилинган дидлар, баҳолар, муҳими, дунёқарашга мос келадиган эҳтиёжлардир. Маданий эҳтиёжлар ўзининг даражасига кўра, кишига қўйилаётган талаблар билан боғлиқлигига кўра жиддий фарқланади. (китоб топиш эҳтиёжи ва чиройли галстук топиш эҳтиёжи бир эмас!)

Эҳтиёжларнинг ўзи ҳам, улар туфайли юз берадиган фаолият ҳам ўз даражасига кўра турлича баҳоланади. Маънавий жиҳатдан ўринли бўлган эҳтиёж-одам яшаётган жамиятнинг талабларига жавоб берадиган, ана шу жамиятда қабул қилинган дидлар, баҳолар ва муҳими дунёқарашга мос келадиган эҳтиёжлардир.

Эҳтиёжлар ўз предметининг характерига кўра моддий ва маънавий бўлади. Моддий эҳтиёжларда кишининг моддий маданият предметларига қарамлиги (овқатланишга, кийинишга, уй-жойга, маиший турмуш ашёларига ва бошқа нарсаларга эҳтиёж сезиши), маънавий эҳтиёжларда эса ижтимоий онг маҳсулига тобелиги ифодаланади (ўқиш, музика тинглаш, кино, спектакл кўриш ва бошқа эҳтиёжлар.)

Эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ бўлган фаолиятга ундовчи ва унинг йўналишини белгиловчи сабаблар мотивлар деб аталади. Мотивлар ёки

мотивлаштириш психологияда субъектнинг хулқ-атвори ва фаолияти йўналишини белгилаб берадиган сабаблар сифатида қаралади.

Агар ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракати бутунлай атроф-муҳит билан белгиланса одам фаоллиги унинг илк ёшлигиданоқ бутун инсоният тажрибаси ва жамият талабларига кўра йўналтирилиб борилади. Ҳатти-ҳаракатнинг бу тури шу қадар ўзига хосликка эгаки, психологияда уни аташ учун махсус термин - фаолият термини қўлланилади. Фаолиятнинг мазмуни уни келтириб чиқарган эҳтиёж билангина белгиланмайди балки кишининг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш усуллари билан ҳам белгиланади ва ниҳоят фаолият кишининг хулқ-атворини мақсадга қаратилган ҳаракатларни рўёбга чиқариш, хусусан юзага келган эҳтиёжларни ўзича зудлик билан қондира олмайдиган яъни бевосита мададга таянмайдиган фаолликни рағбатлантириш ва қўллаб қувватлашни имкон даражада бошқаришга қодир бўлиши керак. Бундан кўриниб туриптики, фаолият билиш ва ирода билан чанбарчас боғлиқ бўлади, уларга таянади, билиш иродавий жараёнларсиз юз бериши мумкин эмас. Демак, фаолият кишининг англанилган мақсад билан бошқарилиб туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигидир.

Шундай қилиб, фаолият ҳақида гапирганда киши фаоллигида англанилган мақсаднинг мавжудлигини аниқлаш лозим.

Фаолият структураси. Фаолият- воқеликка нисбатан фаол муносабат билдиришнинг шундай бир шаклдирки, у орқали киши билан уни қуршаб турган олам ўртасида реал боғланиш ҳосил қилинади. Одам фаолият орқали табиатга, нарсаларга, бошқа одамларга таъсир кўрсатади. Фаолиятда у ўз ички имкониятларини ишга солиб ва намоён қилиб, нарсаларга нисбатан субъект сифатида, одамларга нисбатан эса шахс сифатида гавдаланади.

Фаолиятнинг ёлғиз битта оддий жорий вазифани бажаришга йўналтирилган, нисбатан тугалланган ҳар бир қисми ҳаракат деб аталади.

Нарсалар билан бажариладиган ҳар қандай иш (ҳаракат) макон ва замонда боғланган муайян саъи-ҳаракатлардан таркиб топади.

Киши фаолиятида нарсалар билан қилинадиган саъи-ҳаракатлардан ташқари тананинг ўзини тутишини ва қиёфанинг сақланишини (тик туриш, ўтириш ва ҳоказо), бир жойдан иккинчи жойга кўчишини (юриш, югуриш ва х.), алоқа боғлашини таъминлайдиган саъи-ҳаракатлар ҳам иштирок этади. Алоқа қилиш воситаларига ифодали саъи-ҳаракатлар (имо-ишора ва фантомимика), маъноли ишоралар ва ниҳоят нутқий саъи-ҳаракатлар киради. Саъи-ҳаракатларнинг зикр этилган турларида кўл ва оёқлардан ташқари танадаги ва юздаги мушаклар, хиқилдоқ, товуш пайчалари ва бошқалар ҳам иштирок этади.

Саъи-ҳаракатларни бошқариш тескари алоқа принципига биноан амалга оширилади. Сизги аъзолари ана шундай алоқа воситаси, нарсалар ва саъи-ҳаракатларнинг муайян идрок этиладиган ва ҳаракат мўлжаллари (ориентирлари) ролини ўйнайдиган белгилари ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Тескари алоқанинг бундай шаклини П. К. Анохин тескари афферентация деб атади.

Махсулдор ҳаракатнинг бажарилиши маълум бир саъи-ҳаракатларни амалга ошириш билангина чекланмайди. У муқаррар равишда саъи-ҳаракатларнинг жорий натижалари ва ҳаракатлар объектининг хусусиятларига мувофиқ тарзда саъи-ҳаракатларни коррективка қилишни ўз ичига олади. Мияга ташқи муҳитнинг ҳолати, унда саъи-ҳаракатлар қандай рўй бераётгани ва унинг натижалари ҳақидаги ахборотни етказиб турадиган ҳиссий ориентирларини ўзлаштириш ана шу жараённинг негизи ҳисобланади. (Темирчи темир қизиганлиги даражасини рангига қараб аниқлайди ва шунга мувофиқ болгани қандай куч билан уришни танлайди; дурадгор рандани қандай куч билан босиб суришни аниқлайди; ҳайдовчи тормоз педалини босишни, кранчи юк оғирлигини, жойни, йўналиш траекториясини ҳисобга олиб саъи-ҳаракатларни бажаради).

Ҳаракат таркибига кирувчи саъи-ҳаракатлар тизими пировард натижада ушбу ҳаракатнинг мақсади билан бошқарилади ва йўналтирилади. қилинаётган

саъи - ҳаракатларнинг натижалари айнан шу мақсад нуктаи - назаридан баҳоланади ва тўғрилаб турилади.

Объектлар билан ҳодисалар ўртасидаги барқарор (инвариант) муносабатлар объектларнинг муҳим хусусиятлари ва ҳодисаларнинг қонуниятлари деб аталади.

Ташқи, реал ҳаракатдан ички, тимсолий ҳаракатга ўтиш жараёни интериоризация (том маъноси билан айтганда, ички тарзга айланиш) деб айтилади. Интериоризация туфайли киши ҳаёлан бирор муаммони ҳал қилади, автоматик бажаради ва х.). Бу саъи-ҳаракатнинг тескариси, яъни бирор ишни қилиб кўриб кейин фикрлаш экстериоризация дейилади.

Фаолиятнинг ўзлаштирилиши. Ҳар қандай ҳаракатнинг таҳлил этилган жиҳатларини тегишли тарзда унинг мотор (ҳаракат), сенсор (ҳиссий) ва марказий қисмлари деб аташ мумкин. Шунга мувофиқ ушбу қисмларнинг ҳаракатни амалга ошириш жараёнида бажарадиган вазифалари ижро этиш, назорат қилиш ва бошқариб туришдан иборат бўлиши мумкин. Киши фаолият жараёнида ҳаракатларни ижро этишда, назорат қилиш ва бошқариб туришда фойдаланадиган йўл-йўриқлар ушбу фаолиятнинг усуллари деб аталади. Кишида мақсадга мувофиқ тарздаги саъи-ҳаракатларни ижро этиш ва бошқаришнинг айнан шу тарзда қисман автоматлашуви малака деб аталади.

Биз айнан саъи-ҳаракатларнинг англанилмаган ҳолдаги бошқарилиши тўғрисида сўз юритаётимиз, негаки ҳаракатларни бошқариш билан саъи-ҳаракатларни бошқариш бир хилдаги нарса эмас. Саъи-ҳаракатларнинг тобора кўпроқ автоматлашуви айни чоғда ушбу саъи-ҳаракатларни ҳам ўз таркибига олган ҳаракатларнинг онгли равишда бошқариш билан қўшилган ҳолда юз беради. (велосипедчи ўз мувозанатини сақлаш билан қатор саъи-ҳаракатларни ҳам бажаради). Ўрганувчи пианиночи бармоқларини ҳаракатлантириш тартибини изга солади ва ҳоказо.

Одамда фаолият онг билан бошқарилади, ҳаракатнинг у ёки бу қисмлари автоматлашуви эса онгли равишда йўналтириладиган объектни фақат алмаштиради, ҳаракатнинг умумий мақсадларини, унинг ижро этилиши шарт-

шароитларини, унинг натижаларини назорат қилиш ва баҳолашни онг унинг тасарруфи доирасига олиб киради.

Ҳаракатнинг шу тарзда қисман автоматлашуви туфайли унинг тузилишида рўй берадиган ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

- 1) Саъи-ҳаракатларнинг ижро этилиши усуллари ўзгаради. Ортиқча ва кераксиз ҳаракатлар бартараф қилинади. Ҳаракатлар мужассамлашуви юз беради.
- 2) Ҳаракатни сенсор назорат қилиш усуллари ўзгаради. Саъи- ҳаракатларнинг бажарилишини кўриш орқали назорат қилиш кўпроқ мушаққат ёрдамида (кинестетик) назорат билан алмашади. Масалан, машинистканинг ҳарфларга қарамасдан ёзиши, малакали чилангарнинг искана устига болға билан ураётганда кўриш назоратини ишга солмаслиги, қараса ҳам искана тигига, яъни қаерни қандай кесишига эътибор беради холос.
- 3) Ҳаракатни марказдан туриб бошқариш усуллари ўзгариб боради. Диққат ҳаракат усулларини идрок этишдан холи бўлиб, у ҳаракатнинг асосан вазияти ва натижасига қаратилган бўлади. (Двигатель товушига қараб қайси тезликка алмаштириш зарурлигини фаҳмлайди, вазиятга қараб қандай асбоб зарурлигини, қайси саъи - ҳаракат зарурлигини фаҳмлай олиш). Қўлланиши лозим бўлган усулларнинг бутун бошли занжирини ёки турларини ана шу тарзда онг ёрдамида олдиндан кўра билиш антиципация деб аталади.

Муайян ҳаракатлар ёки фаолият турларини ўзлаштириш мақсадида уларни англаган тарзда ҳамда онгли равишда назорат қилишга ва тузатишга асосланган ҳолда кўп марталаб такроран бажариш фаолияти машқ деб аталади.

Машқ қилиш борган сари киши ҳаракатлари характери ҳам ўзгаради, бу киши психик фаолиятига ҳам таъсир қилади.

Онгли тарзда назорат қилиниб ва тузилиб туриладиган ҳар бир янги уриниш ҳаракат усуллари ва вазифаларини фақат эслаб қолишдагина акс этмайди. Одатда у вазифани текшириш усулларининг, уни ҳал қилиш ва тузатиш йўллариининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Айнан шу йўсинда, биринчидан, энг асосий қийинчилик енгиб ўтилади, ҳаракатни қай тарзда бажариш ҳақидаги тимсолий-мантиқий тасаввурлар билан унинг амалий

бажарилиши ўртасида боғланиш ҳосил бўлади. Иккинчидан, сўздан ишга, тимсолдан ҳаракатга ўтиш билан боғлиқ қийинчиликларнинг кўпчилигига дуч келинмайди. Учинчидан, ортиқча саъи-ҳаракатларни истесно этиш, нотўғри саъи-ҳаракатларни тўғрилаш, бир-бирига боғлиқ бўлганларини бирга кўшиб бажаришга кўчиш, ишни бажариш йўллари тобора кўпроқ даражада стандартлаштириш билан боғлиқ ҳолда рўй беради. Ва ниҳоят, ҳаракатларнинг тезлигини ихтиёрий бошқариш, уларни ўзгариб турувчи вазиятларга мослаштириш, янги вазиятларга ва деталларга (босқичларга) кўчириш имконияти туғилади.

Малакаларнинг ўзаро таъсири. Ҳар қандай малака ҳам киши аллақачон эгаллаб олган малакалар системасида амал қилади ва таркиб топади. Уларнинг бири янги малаканинг таркиб топишига ва амал қилишига ёрдам берса, бошқалари ҳалакит беради, учинчи бир хили эса уни ўзгартиради ва ҳоказо. Бундай ҳодиса психологияда малакаларнинг ўзаро таъсири деб юритилади.

Ҳаракат унинг мақсади, объекти ва шарт-шароитлари (вазият) билан белгиланади. Унинг ўзи ҳаракатлантирувчи ижронинг, сенсор назорат қилиш ва марказий бошқарувнинг муайян усуллари тизими сифатида амалга оширилади. Ҳаракат муваффақиятлилиги, яъни малаканинг самарадорлиги ана шу усулларнинг ҳаракат мақсадларига, объектига ва шарт-шароитларига қанчали мувофиқ келишига боғлиқдир.

Малака ҳосил қилинишининг умумий қонуни шундан иборатки, киши янги вазифага дуч келганда олдиниға фаолиятнинг ўзида шу чоғда мавжуд бўлган усуллари фойдаланишга уринади. Бунда у, ўз-ўзидан равшанки, шу хилдаги масалаларни ечишда қўллаган усулларни янги шароитда ҳам қўллашга ҳаракат қилади. Бу фаолият усуллари кўчириш дейилади. Кўчириш тўғри ва тескари, яъни интерференцияли бўлиши мумкин (расм дарсида чизикни юқоридан пастга, чизмачилик дарсида пастдан юқорига чизиш ўргатилгандаги, станок ричагини чапдан ўнгга, янги станокда ўнгдан чапга, кўча ҳаракатидаги чап ва ўнг томонидан юриш алмашуви қийинчиликлари шунга мисол бўла олади).

Ўзлаштирилган ҳаракатларнинг янги вазифаларга тўғри ва муваффақиятли кўчишини амалга ошириш-бу фаолиятнинг янги турларини тез ва энг кам хато қилган ҳолда ўзлаштириш демакдир. Кишида ўзлаштирилган ҳаракатлар қанчалик кенгроқ ва аниқ кўчириладиган бўлса, у шунчалик кўп нарса ўрганган, унинг таълими шунчалик самарали натижага эга бўлган, булар унинг фаолиятида шунчалик самарали ёрдам берган бўлади.

Кўникмалар. Ҳар қандай хулқ-атвор янги шароитларда ёки янги объектларга нисбатан жараёнларнинг кўчиши асосида таркиб топади. Кўчиш эса шарт-шароитлар ёки нарсаларнинг фаолият мақсадлари учун муҳим бўлган белгилари бўйича ўхшашлигига таянади. Қўйилган мақсадга мувофиқ тарзда ҳаракат усуллари танлаш ва амалга ошириш учун мавжуд билимлар ва малакалардан фойдаланиш кўникма деб аталади.

Шундай қилиб, "кўникма" атамаси фаолият субъектининг ўзида мавжуд билимлар ва малакалар билан мақсадга мувофиқ бошқарилиши учун зарур психик ва амалий ҳаракатларнинг мураккаб системасини эгаллаб олинишини ифодалайди.

Кўникмаларнинг таркиб топиши билимларда мужассамлашган ахборотни ва нарсадан олинадиган ахборотни қайта ишлаш жараёнларининг, ана шу ахборотни аниқлаш, уни ҳаракат билан таққослаш ва ўзаро боғлаш жараёнларининг бутун бир системаси эгалланишини билдиради.

Кўникмаларга ўргатиш жараёни турли йўللار билан амалга оширилиши мумкин. Бу йўللарни бир-биридан фарқ қилувчи иккита ҳолатга ажратиш мумкин. Биринчи ҳолатда ўргатилаётган киши зарур билимга эга бўлади. Унинг олдида бу билимлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси қўйилади ва кишининг ўзи синаб кўриш ва хатоларга йўл қўйиш орқали тегишли мўлжал олган, ахборотни қайта ишлаш воситалари ва фаолият усуллари топган ҳолда унинг ечимини излайди. Гарчи бу йўлнинг самарадорлиги паст бўлса ҳам бугунги кунда у таълим жараёнида кўп қўлланилади. Иккинчи йўли шундан иборатки, таълим бераётган киши ўқувчининг билимларни қўллаш учун зарур

бўлган психик фаолиятни бошқариб боради. Билимни қўллашга ўқувчининг ўзи йўл излайди (муаммоли таълим).

Бу ҳолда педагог ўқувчини белгилар ва жараёнларни танлаш мўлжаллари билан таништиради, қўйилган вазифаларни бажариш учун олинган ахборотларни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш юзасидан ўқувчининг фаолиятини уюштиради. Бу йўл ҳозир педагогика - психологияда жадал тадқиқ қилинмоқда.

Хулоса:

Хулоса ўрнида шихсий фаоллик ва фаолият тўғрисида гапирмоқчимиз. Чунки шахснинг шаклланишида шахсий фаолият муҳим ўрин тутади. Фаолиятнинг турларини киши ҳаёт тарзининг жабҳалари бўйича бир неча ўнлаб хилини санаш мумкин. Лекин сайи-ҳаракатлар мақсади, амалга ошириш усуллари ва натижаларига қараб гуруҳлаштирсак, уч катта гуруҳни кўришимиз мумкин: уйин фаолияти, ўқув - ўрганиш фаолияти, меҳнат фаолияти. Фаолиятнинг бу турларида умумий бўлган мотив, мақсад, натижа, интериоризация, экстериоризация, билим, малака, кўникма сингари жараёнларнинг барчасини ўзига хос шаклда учратилади.

Ҳаётининг биринчи йиллардаёқ болада фаолиятнинг оддий шакллариши ўзлаштириши учун дастлабки шарт-шароитлар таркиб топа бошлайди. Улардан биринчиси ўйин фаолияти ҳисобланади. Ўйин фаолиятнинг ўзига хос туб хусусияти бўлиб, унинг мақсади ўзининг ёрдамида муваффиқ бўлинадиган амалий натижаларга эришишдан эмас, балки амалга ошириладиган фаолиятнинг ўзидан иборатдир.

Бола ўз тажрибасида қурол-буюмлар билан бир вақтнинг ўзида бошқа турдаги буюмлар – ўйинчоқларга дуч келади. Ўйинчоқларини ишлатишнинг инсоний усули - ўйин, яъни улар ёрдамида аллақандай бошқа, ҳақиқий буюмлар ва ҳаракатларни ифода этишдир. Учинчи ёшнинг ўрталаридан бошлаб буюмларга бўлган муносабат одамларнинг буюмларга нисбатан функциялари сифатида намоён бўла бошлайди. Ролли ўйинлар пайдо бўлади. Ролли ўйинларда бола катта ёшдаги кишиларнинг ўзи кузатган ижтимоий функцияларини, уларнинг шахс сифатидаги хулқ-атворини айнан такрорлайди. (қўғирчоғини «овқатлантиради, ухлатади»). Боланинг социал тажрибаси ортан сари маиший МАЪРУЗАга оид МАЪРУЗАлар («Она», «тарбиячи», «кино», «болалар боғчаси», «магазин» ва ҳ. ўйинларни ўйнай бошлайди) ишлаб чиқаришга оид МАЪРУЗАлар (учувчи, космонавт, завод) ва сўнгра ижтимоий, сиёсий («уриш», «намойиш») билан, сюжетлар билан бойита боради.

Бола врач бўлиб ўйнарган, ўзини худди «врач каби» тутади. У қаламни худди стенодоскоп сингари ушлайди, қўғирчоқни ётқизаётди, бошини чайқаб қўяди ва «Сенга укол қилиш керак экан» дейди ва ҳ. Унинг ҳаракатлари мазкур пайтда бола ишлаётган буюмлар хоссаси билан эмас, балки врачнинг вазифалари тўғрисидаги тасаввурлар билан бошқарилади.

Таълим. Боланинг ижтимоий амалий фаолиятининг кўпгина кўринишлари унинг кейинги босқичларида пайдо бўлади. буларнинг деярли ҳаммаси ўрганиш, таҳлил қилиш, маслаҳат олиш сингарилар билан боғлиқ. Бола «одамга айланиш» жараёнида қандай тажриба орттирган бўлса, ўрганиш фактлари, яъни тажрибани ўзлаштирилиши ҳисобланади.

Субъектнинг ўрганишни ўзига мақсад қилиб олган бундай ўзига хос фаолияти таълим деб аталади. У қуйидагилардан таркиб топади: а) идеал ва амалий фаолиятнинг у ёки бу турини муваффақиятли ташкил этиш учун зарур бўлган ташқи оламнинг муҳим аҳамиятли хоссалари хусусидаги ахборотнинг ўзлаштирилиши (бу жараённинг маҳсули - билимлардир); б) фаолиятнинг ана шу барча турлари таркиб топадиган усуллар ва жараёнларнинг ўзлаштирилиши (бу жараён маҳсули-малакалардир); в) қўйилган вазифа ва илгари сурилган мақсадга мувофиқ келадиган усуллар ва жараёнларни тўғри танлаш ҳамда назорат қилиш учун кўрсатилган ахборотдан фойдаланиш йўллариининг эгалланиши (бу жараён маҳсули - кўникмалар ҳосил қилинишидир).

Меҳнат - бу маълум бир ижтимоий фойдали (ёки ҳеч бўлмаганда жамият томонидан истёъмол қилинадиган) моддий ёки маънавий маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган фаолият демакдир. Меҳнат фаолияти - кишининг етакчи, асосий фаолиятидир. Меҳнат фаолияти кишининг ҳаёт кечиришини, бошқа турлар устидан ғалаба қозонишини ҳамда табиат кучлари ва бойликларидан фойдаланишини таъмин этадиган ўзига хос турга оид хулқ-атвори деб ҳисобланиши мумкин. Меҳнат фаолияти одамлар истёъмол қиладиган буюмларни ишлаб чиқаришга қаратилган ижтимоий аҳамият касб этади. Шундай қилиб, кишиларнинг меҳнат фаолияти ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳисобланади.

Одамнинг фаолияти одамлар жамоасида шаклланади. Шундай қилиб, индивиднинг шахс бўлиб камол топишида унинг фаолият турларини ўзлаштиришида, бошқача қилиб айтганда одам бўлиб етишувида одамлар жамоаси, одамнинг одамлар ичида яшаши шарт эканлиги шундан ҳам аниқ ва яққол кўринади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. “Маънавий юксалиш йўлида”. Т., “Ўзбекистон”, 1999.
3. Каримов И. А. “Ўзбекистон XX1 асрга интилоқда”. Т., “Ўзбекистон”, 1999.
4. Абдурахмонов Ф. “Қадимги шарқ мамлакатларида психологик фикрлар тараққиёти”. Т., “Ўзбекистон”, 1995.
5. Абдурахмонов Ф. “Одамлар билан қандай мулоқотга киришиш ва ёндошиш керак”. Т., “Ўқитувчи”, 1996.
6. Андреева Г.М. Социальная психология. М., Аспект пресс, 1999.
7. Бадмаев Б.Ц. Психология: как ее изучить и усвоить. М., Учебная литература, 1997.
8. Давлетшин М. ва б. Психология: Изохли лугат. Т., Ўқитувчи, 1998.
9. Каримов В. Ижтимоий психология. Т., «Ўқитувчи», 1994.
10. Каримов В., Акромова Ф. Психология. Т, 2000.
11. Ғозиев Э. Интелект психологияси. Т, «Ўқитувчи», 1990.
12. Ғозиев Э. Психология. Т, «Ўқитувчи», 1994.
13. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. Т, «Ўқитувчи», 1990.
14. Халилов М.Х. Билиш жараёнлари психологияси. СамДУ нашри, 1999.
15. Немов Р. Практическая психология. М., Владос, 1998.